



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

БҮЙРУҚ

2019 йил “5” март

№ 01-172

Тошкент ш.

2019 йилда Тошкент давлат  
шарқшунослик институтида  
ўтказиладиган илмий анжуманлар  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”да белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги “Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасаларида 2019 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 205-сонли бўйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 133-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси” ҳамда вазирликнинг 2019 йил 28 февралдаги 205-сонли бўйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат шарқшунослик институтида 2019 йил давомида халқаро, республика ва вазирлик миқёсида ўтказиладиган анжуманлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Д.Абдуллаева; факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров) ва анжуманларнинг ташкилий қўмиталари раисларига:

3.1. Тошкент давлат шарқшунослик институтида 2019 йилда ўтказиладиган халқаро анжуманларда соҳанинг нуфузли хорижлик мутахассисларини, шу жумладан, хорижда истиқомат қилаётган ватандош олимларни жалб этган ҳолда конференция доирасида маърузалар, мавзули семинарлар ва маҳорат дарслари ташкил этилсин.

**3.2.** Анжуманлар дастури ишлаб чиқилсин, ҳар бир анжуман якуни бўйича қабул қилинган тавсияларни иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар дастури манфаатдор ташкилотлар билан келишилсин.

**3.3.** Анжуманлар ўтказилгандан сўнг **бир ҳафта муддат ичида** анжуман якуни бўйича қабул қилинган тавсияларни амалга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ҳамда анжуманларнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги ҳисобот Вазирликка тақдим этилсин (**масъул: факультетлар деканлари; бўлим бошлиғи Д.Абдуллаева**).

**3.4.** Анжуман доирасида нашр этиладиган мақолалар тўпламига киритиладиган мақолаларнинг мазмуни илми-фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари ечимига йўналтирилганлиги, шунингдек, улардаги ҳаволалар Scopus, Web of Science, Springer ва шу каби ахборот базаларига киритилган журналлардан олинганлигига эътибор қаратилиши таъминлансин.

**3.5.** Режага киритилган халқаро, республика ва вазирлик миқёсидаги анжуманларнинг ахборот хати белгиланган муддатдан камида **1 ой аввал**, пухта ишлаб чиқилган илмий ва ташкилий дастури **2 ҳафта аввал** тегишли вазирлик, идораларга етказилсин ҳамда институтнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин (**масъул: факультетлар деканлари; бўлим бошлиғи Д.Абдуллаева, АТМ раҳбари К.Наримонов**).

**3.6.** Режага кўра 2019 йилда ўтказиладиган илмий анжуманларда институт профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари ҳамда иқтидорли талабалари ва магистрлари фаол иштирок этиши таъминлансин.

**3.7.** Институтда ўтказиладиган халқаро, республика ва вазирлик миқёсидаги анжуманлар фаолияти республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ташкил этилсин (**масъул: Н.Махмасобирова**).

**4. Ишлар бошқармаси бўлими бошлиғи Ш.М.Мирзиётовга:**

Мазкур буйруқда белгиланган илмий анжуманларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши юзасидан харажатлар сметасига киритилсин.

**5.** Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Ректор

А.Маннонов